

Нарметова Юлдузхан Каримовна  
Ўзбекистон Миллий университети катта илмий ходим-изланувчиси



## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Аннотация:** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти саломатлик тушунчасини инсоннинг жисмоний, руҳий-маънавий ва ижтимоий мукамаллиги сифатида таърифлайди. Бугунги кунда бутун дунёда соғлиқни сақлаш тизимида тиббий-психологик хизматнинг роли бир овоздан эътироф этилмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиниши мамлакатимизда соматик, неврологик ва асаб-руҳий касалликлар профилактикаси, даволаш реабилитациясида аҳолига тиббий-психологик ёрдам кўрсатишини тақозо этади. Мазкур вазият тиббиёт психологлари олдида беморлар психологик саломатлиги ва ҳаёт даражасини оширишга замин яратувчи психологик хизмат тизимини ташкил этиш борасида янги вазифаларни қўяди.

**Калит сўзлар:** психосоматика, соматопсихика, тиббий-психологик хизмат, психика, тиббий психолог, бемор шахси, касалликдан аввалги хусусиятлар, профилактика, чегаравий асаб-руҳий бузилишлар, психологик хизмат йўналишлари ва принциплари.

**Аннотация:** Всемирная организация здравоохранения определяет здоровье как состояние полного физического, психологического и социального благополучия человека. Сегодня во всем мире однозначно признаётся роль медико-психологической службы в системе здравоохранения. Реформирование системы отечественного здравоохранения предусматривает широкое внедрение в стране медико-психологической помощи населению в профилактике, лечении и реабилитации соматических, неврологических и нервно-психических заболеваний. Такая ситуация ставит перед медицинскими психологами новые задачи по организации системы психологической службы, способствующей психологическому благополучию и улучшению качества жизни больных.

**Annotation:** WHO defines health as a condition of a total physical, psychological and social well being of a person. Nowadays the role of medical and psychological service in the system of healthcare is widely recognized all over the world. The reformation of the system of healthcare requires an implementation of a medical and psychological assistance to the population in prophylactics, treatment and rehabilitation of somatic, neurological and neuropsychic diseases. This situation sets new tasks for the medical psychologists on the organization of the system of psychological service that promotes well being of patients and improvement of their life.

**Keywords:** psychosomatic, somatopsychic, medical and psychological services, psyche, medical psychologist, the personality of a patient, pre-disease qualities, prophylactics, marginal neuropsychological disorders, the directions and principles of psychological service, personnel training.

**Мавзунинг долзарблиги.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти саломатлик тушунчасини инсоннинг жисмоний, руҳий-маънавий ва ижтимоий мукамаллиги сифатида таърифлайди. Инсон танасидаги қандайдир оғриклар ёки касаллик белгилари ундаги руҳий мутаносибликнинг бузилишига олиб келса, руҳий хотиржамлик ва мувозанатнинг бузилиши ўз навбатида тана аъзолари функциясининг издан чиқишига сабаб бўлади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, ноинфекцион касалликлар профилактикаси ва соматик, неврологик, асаб-руҳий касалликлар билан хасталанган беморларни даволаш ҳамда реабилитация қилиш вазифаларини самарали ҳал қилиш нафақат шифокорлар саъй-ҳаракати, балки ўз вақтида кўрсатилган малакали тиббий-психологик ёрдамга ҳам боғлиқ. Ривожланган тиббий-психологик хизмат шифокорлар зиммасидаги вазифаларни енгиллаштиришда кескин ижобий силжишларни юзага келтиришга қодир, чунки психосоматик ва соматопсихик бузилишлар, чегаравий асаб-руҳий ўзгаришлар профилактикаси, диагностикаси, даволаш ва реабилитация жараёнларида психолог-мутахассислар ҳам елкама-елка туриб хизмат кўрсатадилар.

Бир қатор муаллифлар фикрига кўра, бемор шахсининг ўз вақтида психолог томонидан баҳоланиши қўлланилаётган даво чоралари самарадорлигининг ишончли башорат қилиш

имконини бериб қолмасдан, беморда касаллик билан боғлиқ кутилмаган асоратларнинг (масалан, ипохондрик реакцияларнинг) ҳам олдини олади, акс ҳолда тиббий тажрибалардан маълумки, бемор психологик ҳолати ёки хусусиятларини ни ҳисобга олмаслик кўпинча гарчи асосий касаллик муваффақиятли даволанган бўлса-да, ногиронликка олиб келади[3,7,8].

Бугунги кунда аҳолига тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш заруратини чуқур ҳис қилган ҳолда ҳукуматимиз ва мутасадди ташкилотлар томонидан амбулатор-поликлиникалар, касалхоналар ва тиббий марказлар қошида мутахассис-психолог хизматини жорий қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, мамлакатимиз тиббиёт ташкилотлари ва муассасалари юқори малакали тиббий психолог мутахассислари билан етарлича таъминланмаган.

Илмий адабиётлар маълумотларига кўра тиббиёт психологиясининг илмий соҳасига етарли даражада катта. Бугун дунёда обрў-этибор қозонган патопсихология ва нейрпсихология бўйича илмий мактаблар иш олиб бормоқда. Беморлар реабилитация тизимида психотерапиянинг замонавий шакллари ва методларини қўллашнинг психологик асослари ишлаб чиқилган. Рухий ривожланишида нуқсонли бўлган ёки нормадан оғувчи ҳуж кузатилаётган болалар ва ўсмирларга психологик ёрдам кўрсатишнинг самарали усуллари яратилган. Бироқ тиббиёт психологияси ютуқларининг жорий этилиши соғлиқни сақлаш амалиёти эҳтиёжларидан анча орқада қолмоқда[3,5,7,9].

Мутахассислар бу ҳолатнинг асосий сабабларини бир томондан тиббиёт психологик соҳасида фаолият юритувчи шифокор-психологларнинг етарли эмаслиги, иккинчи томондан эса аҳолида мос ахборот ҳамда профессионал даражадаги тиббий-психологик ёрдам мурожаат қилиш кўникмасининг шакланмаганлиги билан изоҳлайдилар.

Тадқиқотимиз мақсади – мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизмат кўрсатишнинг ташкил этилиш ҳолати ва унинг истиқболларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотимиз давомида тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган психологлар тажрибасини кузатиш, шифокорлар ва беморлар билан суҳбат-интервью ўтказиш муваффақ бўлди. Илмий изланишларимиз Тошкент шаҳридаги даволаш-профилактика муассасаларида олиб борилди.

**Эмпирик тадқиқот натижалари ва таҳлили.** Соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизматни ташкил этиш куйидаги принциплар асосида олиб борилиши зарур:

Онг ва фаолият бирлиги принципи. Психосоматик медицина ривожланиши билан мазкур ҳолатнинг ҳаққонийлиги намоён бўлди. Замонавий муаллифлар концепцияларини психосоматик касалликлар шахс турмуш тарзи натижаси, унинг касалланишдан олдинги хусусиятлари, ривожланиш ва тарбия шароитлари, мослашув захиралари билан боғлиқ тушунтирилади.

Тузилмавийлик принципи тиббиёт соҳасида фаолият юритувчи психологга инсоният тури сифатида кўриш, уни ташқи муҳит билан алоқадорликда тушуниш имконини беради.

Вужуд ва руҳият бирлиги принципи даволаш жараёнида инсондаги биологик ва ижтимоийлик хусусиятлари уйғунлигини ҳисобга олишни такозо этади.

Ривожланган Ғарб мамлакатларида тиббиёт психологлари университетлар тайёрланадилар, кейинчалик клиник, тиббий-педагогик ва аҳолига хизмат кўрсатиш муассасалари ўзига хос хусусиятларига кўра малака оширадилар ҳамда сертификат оладилар. Мамлакатимизда сўнгги йилларда Тошкент Тиббиёт академияси ва Педиатрия институтини қошида тиббиёт психологияси бўйича магистратура йўналиши очилгани соғлиқни сақлаш тизимини малакали тиббиёт психологлари билан таъминлаш йўлида муҳим босқич бўлди. Мазкур йўналишларда таҳсил олувчи талабаларни нафақат тиббиёт психологияси, балки психодиагностика, шахс психологияси, умр даврлари психологияси ва психологиянинг бошқа тармоқлари бўйича билимлар билан қуроллантириш аҳолига тиббий-психологик хизмат кўрсатиш самарадорлигини юксалтириши шубҳасиз, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимиз ва хориж тажрибаси шуни кўрсатадики, тиббиёт соҳасида психологлар барча клиник ва даволаш-профилактик йўналишларида меҳнат қилишлари зарур. Тиббиёт соҳасидаги реал ҳолатни ҳисобга олган ҳолда тиббий-психологик хизматни ривожлантиришнинг куйидаги йўналишларини ажратиш зарур:

- 1) болалар ва ўсмирларга тиббий-психологик хизматни ташкил этиш;
- 2) касалхонадан ташқаридаги тиббий-психологик ёрдамни ривожлантириш;

3) соматик, неврологик ва асаб-руҳий патология билан хасталанган беморлар тиббий-психологик реабилитацияси хизматини яратиш;

4) тез тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини яратиш.

Тадқиқотимиз натижалари шуни кўрсатдики, болалар ва ўсмирларга тиббий-психологик хизматни ташкил этиш мактабгача ёшдаги ва мактаб ёшидаги болалар диспансеризацияси жараёнида тиббий психологнинг иштирокини кўзда тутуди, чунки болалик даврида нормал руҳий ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги психологик билимларсиз ривожланишдаги нуқсонлар ёки сустлашув ёхуд бузилишларни ўз вақтида аниқлаш ва коррекция қилиш мумкин эмас. Шунинг учун поликлиникалар, болалар ва ўсмирлар диагностик ҳамда даволаш марказларида психолог хизматини йўлга қўйиш психик ривожланишдаги аномалиялар эрта аниқлаш ва коррекция қилиш, олий психик функциялар, анализаторлар, нутқ, ҳаракат соҳаларида бузилишлари бўлган, аклий заиф, соматик ва психик бузилишлар қайд этилган, хулқида оғишлар кўзга ташланаётган ҳамда пубертат даври инкирозини бошидан кечираётган болалар ва ўсмирларга консултатив ёрдам кўрсатиш имконини беради. Болалар касалхоналари, санаторийларида фаолият юритувчи тиббиёт психологларининг асосий вазифаси психосоматик ва соматопсихик патологияда психологик синдромларни ўз вақтида аниқлаш ва коррекция қилиш, даволаш жараёнида боланинг индивидуал-типологик хусусиятларига эътибор қаратган ҳолда ёндашувни таъминлашдан иборат. Бу йўналишнинг бош мақсади мамлакатнинг ҳар бир бурчагида болалар ва ўсмирларга юқори малакали ёрдам кўрсатишдир.

Касалхонадан ташқаридаги тиббий-психологик ёрдам ҳақида гап кетганда таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда психоневрологик ва наркологик диспансерлар, консултатив-диагностик марказларда психологлар фаолият юритмоқдалар. Уларнинг асосий фаолияти чегаравий асаб-руҳий бузилишларни, касаллик олди ҳолатларини аниқлаш ва ёрдам кўрсатишдан иборат.

Соматик, неврологик ва асаб-руҳий патология билан хасталанган беморлар тиббий-психологик реабилитацияси хизматини яратиш ишлари сўнгги йилларда яққолроқ кўзга ташланмоқда. Мазкур тоифа беморларга тиббий-психологик хизмат кўрсатишуларни тўлақонли ҳаётга қайтариш ва меҳнат қобилиятини тиклаш билан боғлиқ бўлиб, психологлар зиммасида касалликнинг тузалишига ҳалақит бераётган бемордаги шахсга хос хусусиятларни аниқлаш ва даволаш жараёнида шахс ресурсларидан оқилона фойдаланиш, шунингдек, бош миёна функциялари бузилишларини нейрпсихологик ва патопсихологик диагностика усуллари билан аниқлаш ва психик функцияларни тиклашда психокоррекциянинг машқларни қўллаш вазифалари туради, ана шу вазифаларни мукамал адо этиш юзага келиши мумкин бўлган иккиламчи синдромларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутуди. Тиббиёт психологнинг психосоматик ва соматопсихик бузилишлари мавжуд беморларда психотерапевтик ва психокоррекциянинг тадбирларни ташкил этиши, меҳнатга лаёқатлилиқни аниқлаш экспертизасида иштирок этиши беморлар ҳаёт даражасини оширишда алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Тез тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш хизматини яратиш фикримизча, тез тиббий ёрдам кўрсатиш марказлари базасида амалга оширилиши зарур. Мазкур хизматнинг йўлга қўйилиши турли ҳаётий вазиятлар йўл транспорт ҳодисасига йўлиққанда, суицидал хатти-ҳаракатлар содир бўлганда, оилавий турмушдаги инкирозли ҳолатлар, ижтимоий низолар шароитида реактив ҳолатларни экспресс-диагностика қилиш, психик ҳолатлар ва ноадеват хулқ-атвор реакцияларини ўз вақтида назоратга олиш ва коррекция қилиш, инкирозли вазиятларда беморларни тегишли муассасаларга йўллаш жараёнида иштирок этиш, уларга тегишли психотерапевтик ва психофармакологик ёрдам кўрсатиш, психотерапевтик ёрдамга муҳтож шахсларни аниқлаш имконини беради.

**Илмий хулосалар.** Юқорида кўрсатилган тиббий-психологик хизматни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш учун, мазкур муаммолар университет ва тиббиёт олий ўқув юртлари ўқув режалари ва дастурларида ўз аксини топиши ҳамда талабалик давриданок бўлажак мутахассисларда ушбу муаммоларни вазиятларда керак бўладиган касбий компетенцияни шакллантириш, махсус билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш зарур.

Сўнгги йиллардаги кузатишларимиз шуни кўрсатадики, психология тобора клиник амалиётга кириб бормоқда. Бир томондан касалликларнинг келиб чиқишида психологик

омилларнинг етакчи ролини нафақат шифокорлар балки беморларнинг ўзлари ҳам яхши тушуна бошлаган бўлсалар, иккинчи томондан, психологлар ва шифокорлар илмий ишлари ҳамда амалиётларида бемор ички дунёсини ўрганишга ва унда тегишли хулқ-атвор стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ҳолат айниқса психосоматик клиникада яққол намоён бўлмоқда, яъни касалликни даволаш жараёнида беморнинг мотивацион-иродавий, шахслилик, эмоционал оқшлари хусусиятларини ҳисобга олиш, касалликнинг ички кўриниши, беморнинг ўз касаллигига муносабатини ўрганиш зарурати ҳам шифокорлар, ҳам психологлар томонидан эътироф этилмоқда.

Алоҳида қайд этиш лозимки, муштарилик йилларида мамлакатимизда она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар ўлимини камайтириш, ҳар томонлама соғлом ва бақувват авлодни вояга етказиш вазифаларини адо этиш учун перинатал марказлар ташкил этилди. Мазкур марказлар фаолиятида ҳам психологик хизматни йўлга қўйиш давр талабидир. Ҳомиладор аёлнинг руҳий ҳолатини назорат қилиш, "она-бола" симбиози муваффақиятини таъминлаш, оналикта психологик тайёргарликни яхшилаш, ҳомиладор аёлларда туғруқолди ва туғруқдан кейинги депрессиянинг олдини олиш келажак авлод жисмоний ва руҳий саломатлиги гаровидир.

Таъкидлаш жоизки, тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган психологлар даволовчи шифокор билан ҳамкорликда иш олиб бориши, ўз хизмат доираси чегарасини яхши тушуниши керак бўлса, шифокорлар яъни психологик тайёргарликка эга бўлишлари, психолог хулосаларини ҳисобга олган ҳолда беморнинг даволаш тадбирларини ташкил этишлари лозим.

Тиббиёт психологлари эътиборини беморлар билан ишлашда узундан-узук саволларни ўз ичига олган психодиагностик сўровномаларни кетма-кетликда қўллаш (бу ҳолат сўнгги йилларда нафақат тиббиёт, балки бошқа соҳалар психологлари фаолиятида ҳам кузатилмоқда), беморларнинг ёш ва жинс хусусиятлари, менталитети, этномаданий хусусиятлари, ижтимоий мавқеини ҳисобга олиш психологик хизматга бўлган ишончни кескин пасайишига олиб келишига қаратилмоқда.

Фикримизча, соғлиқни сақлаш тизимида психологик хизматни ривожлантиришда шифокорлар ва психологлар ҳамкорлигида ўқув қўлланмалари, услубий кўрсатмалар, дарсликлар яратиш, беморлар, аҳолининг илмий қўлини учун эса илмий-оммабоп рисоалар ёзиш малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш билан бирга, аҳоли ўртасида тиббий-психологик маданиятни пайдаланишни ва ривожлантиришда улкан ҳисса қўшади.

#### Адабиётлар

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. – Л.: ЛГУ, 1968. – 340 с.
2. Анохин П.К. Системные механизмы высшей нервной деятельности. – М.: Наука, 1979. – 454 с.
3. Березин Ф. Б. Психическая и психофизиологическая адаптация человека. – Л.: Наука, 1988. – 268 с.
4. Вассерман Л.И., Щелкова О.Ю. Медицинская психодиагностика: Теория, практика, обучение. – СПб. – М.: Академия, 2003. – 736 с.
5. Гурвич И.Н. Социальная психология человека. – СПб.: изд-во СПбГУ, 1999. – 1023 с.
6. Иовлев Б.В., Карпова Э.Б. Психология личности: концепция В.Н. Мясищева и медицинская психология. – СПб.: Сенсор, 1999. – 76 с.
7. Николаева В.В., Арин.Г.А. Клинико-психологические проблемы психологии телесности//Психологический журнал. – 2003. – Т. 25. – № 1. – С. 119–126.
8. Русина Н.А. Клинический психолог в системе здравоохранения: проблемы, реалии, перспективы//Медицинская психология в России. Интернет-журнал, 2012, № 1.
9. Щелкова О.Ю. Психологическая диагностика в медицине//Автореф.дисс.доктора психол.н. М., 2009. – 34 б.

*Мурмисова Илдиз*

ISSN 2181-5291

# PSIXOLOGIYA

ILMIY JURNAL

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

SCIENTIFIC JOURNAL

3 (23)/2016

[www.psixologiya.uz](http://www.psixologiya.uz)

